

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2022 йил ноябрь ойининг 23 куни, жиноят ишлари бўйича Сўх туман суди, очиқ суд мажлисида, ўз биносида, видеоконференцалоқа режимида, раислик қилувчи Ш.Мадумаров

судья ёрдамчиси Ш.Юлдашева ва З.Зокировларнинг котиблигида, тарафлардан Қўштепа туман прокурорининг ёрдамчиси А.Юсупов, судланувчи XXXXXXXXXXXX, жабрланувчи XXXXXX, XXXXXX, Б.Узаков, XXXXXX, XXXXXX, О.Низомов ва XXXXXXларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 28,209-моддаси 2-қисмининг “а” банди, 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди ва 25,168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXга оид №1-1501-2206/2541-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX
(XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX), 1994 йил 22 октябрда Марғилон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, Марғилон шаҳар, XXXXXXXXXXXX МФЙ, XXXXXXXXXXXX кўчаси, XXXXX-хонадонда яшаган, 2021 йил 21 декабрда муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилиб, жиноят ишлари бўйича Сўх туман судининг 2022 йил 18 мартдаги ажрими билан эҳтиёт чораси қамоқ эҳтиёт чорасига ўзгартирилиб, қидирув эълон қилинган, иш бўйича 2022 йил 28 августдан қамоқда сақланмоқда, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган.

Суд судланувчи, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, дастлабки тергов ва судда тўпланган далилларни текшириб, жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, тарафларнинг музокаралари ва судланувчининг ҳимоя ва охириги сўзларини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи XXXXXXXXXXXX Фарғона вилояти “Ягона ҳисоб китоб маркази” ДУК назоратчи вазифасида ишлаб келиб, жиноий шериклари (*унга нисбатан суднинг ҳукми чиқарилган*) ДУК раҳбари XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX билан ўзаро жиноий тил бириктириб, 13.03.2020 йил кунидан 29.05.2020 йил кунига қадар бўлган вақт давомида, хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда, такроран фуқаролар XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX, XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX, XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX, XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX ва XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXларини номига гарчи мазкур шахслар Фарғона вилояти Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси Фарғона вилояти “Ягона ҳисоб китоб маркази” ДУК да ишламасалар-да, уларни “Ягона ҳисоб китоб маркази” ДУКда турли лавозимларда ишлаши ҳақидаги сохта маълумотномаларни тайёрлашиб, ДУКнинг юмалоқ муҳри билан қалбакилаштириб, ушбу маълумотномаларни қалбаки эканлигини билгани



холда Кўштепа туманидаги “Хамрох” кредит дўконига тақдим этишиб, дўкон сотувчиларини алдашиб, ишонтиришиб, ўзининг номига 11.203.000 сўлик, фуқаро ХХХХХХни номига 12.015.000 сўмлик, фуқаро ХХХХХХни номига 16.449.000 сўмлик, фуқаро ХХХХХХни номига 11.276.000 сўмлик, фуқаро ХХХХХХни номига 10.719.000 сўмлик, фуқаро ХХХХХХни номига 13.513.000 сўмлик жами 63.972.000 сўмлик маиший техник буюмларини қўлга киритишиб, ушбу маиший техника буюмларини тергов ҳаракатлари давомида шахсини аниқлашни имкони бўлмаган номаълум шахсларга сотиб юборишиб, сотувдан тушган пулларни ўзаро тақсимлашиб, сотувдан тушган пулларни шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Бундан ташқари ХХХХХХХХХХХ Фарғона вилояти “Ягона ҳисоб китоб маркази” ДУК назоратчи вазифасида ишлаб келиб, жиноий шериклари (уларга нисбатан суднинг ҳукми чиқарилган) ДУК раҳбари ХХХХХХХХХХХХХХХХХХХХХХХХХХХХ ва ДУКда ўринбосари ХХХХХХ билан ўзаро жиноий тил бириктириб, 13.03.2020 йил кунидан 29.05.2020 йил кунига қадар бўлган вақт давомида, хизмат мавқеидан фойдаланган холда, тақроран фуқаро ХХХХХХХХХХХХХХХХХХХХХХХХХХХХ номига гарчи мазкур шахслар Фарғона вилояти Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси Фарғона вилояти “Ягона ҳисоб китоб маркази” ДУК да ишламасалар-да, уни “Ягона ҳисоб китоб маркази” ДУКда турли лавозимларда ишлаши ҳақидаги сохта маълумотномаларни тайёрлашиб, ДУКнинг юмалоқ муҳри билан қалбакилаштириб, ушбу маълумотномани қалбаки эканлигини билгани холда Кўштепа туманидаги “Хамрох” кредит дўконига тақдим этишиб, дўкон сотувчиларини алдашиб, ишонтиришиб, фуқаро ХХХХХХни номига 16.449.000 сўмлик маиший техник буюмларини қўлга киритишиб, ушбу маиший техника буюмларини тергов ҳаракатлари давомида шахсини аниқлашни имкони бўлмаган номаълум шахсларга сотиб юборишиб, сотувдан тушган пулларни ўзаро тақсимлашиб, сотувдан тушган пулларни шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Бундан ташқари, ХХХХХХХХХХХ, ХХХХХХ ва ХХХХХХлар жиноий ҳаракатларини давом эттириб, судланувчи ХХХХХХ, ХХХХХХ, ХХХХХХ (уларга нисбатан суднинг ҳукми чиқарилган), ХХХХХХ (тергов органи томонидан унга нисбатан бўлган қисми материал тариқасида ажратилган), ХХХХХХ, ХХХХХХ ва ХХХХХХлари билан ўзаро жиноий тил бириктиришиб, гуруҳ бўлгани холда гарчи мазкур шахслар “Ягона ҳисоб китоб маркази” ДУК да ишламасалар-да, уларни ушбу ДУКда ишлаши ҳақида сохта маълумотномалар тайёрлашиб, ДУКнинг юмалоқ муҳри билан қалбакилаштириб, ушбу маълумотномаларни қалбаки эканлигини билгани холда Кўштепа туманидаги “Хамрох” кредит дўконига тақдим этишиб, дўкон сотувчиларини алдашиб, ишонтиришиб, ХХХХХХни номига 12.067.000 сўмлик, ХХХХХХни номига 13.202.000 сўмлик, ХХХХХХни номига 16.510.000 сўмлик, ХХХХХХни номига 13.452.000 сўмлик, ХХХХХХни номига 11.587.000 сўмлик, ХХХХХХни номига 10.043.000 сўмлик, ХХХХХХни номига 15.749.000 сўмлик жами кўп миқдордаги 92.610.000 сўм қийматига тенг бўлган маиший техник буюмларини қўлга киритишиб, ушбу маиший техника буюмларини тергов ҳаракатлари давомида шахсини аниқлашни имкони бўлмаган номаълум



шахсларга сотиб юбориб, сотувдан тушган пулларни ўзаро тақсимлашиб, сотувдан тушган пулларни шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Шунингдек, XXXXXXXXXX фирибгарлик, яъни бир гуруҳ шахслар билан олдиндан тил бириктириб, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, жиноий шериги Назаров Алишер Абдурасулович (*унга нисбатан суднинг ҳукми чиқарилган*) билан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, 2022 йил 24 январь куни Фарғона шаҳар XXXXXX МФЙ биноси олдида, фуқаро XXXXXXга Фарғона шаҳар А.Навоий кўчасида жойлашган “Сарбон” савдо дўкони рўпарасидаги бўш турган 1 сотих ер майдонини 5.400 АҚШ доллари эвазига ажратиб беришлигини ваъда қилиб, олдиндан келишилган 400 АҚШ доллари миқдоридagi пулларни олаётган вақтда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Фарғона шаҳар бўлими ва ДХХ Фарғона вилоят бошқармаси ходимлари томонидан ашёвий далиллар билан ушланиб, жиноий ҳаракатларини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда охирига етказа олишмаган.

Судда судланувчи XXXXXXXXXX қўйилган айбловга қисман иқрорлигини билдириб, 2018 йил июль ойида қайнонаси XXXXXX Фарғона вилояти “Ягона ҳисоб китоб маркази” ДУКга раҳбар, XXXXXX унинг ўринбосари лавозимида тайинланишгани, бир оздан кейин ДУКга кадр лавозимида З.Акрамова ишга киргани, 2020 йил март ойининг бошида XXXXXX ДУК ишчиларига Қўштепа тумани, Қумтепа МФЙ айланма кругини олдида “Хамрох” номли кредит дўкони очилганлигини айтиб, биргаликда бориб нарсаларни кўриб келишларини айтганида, ДУКда ишлаши ҳақидаги маълумотнома тайёрлаб, XXXXXXга тегишли тартибда муҳр бостириб олиб, 2020 йил 13 март куни ўзи, Б.Кашимов ва О.Низомов билан мазкур савдо дўконига боргани, ушбу дўконга ўзи билан олиб келган иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномани тақдим қилиб, ўзининг номига 89-сонли шартнома асосида 1 дона музлатгич, 2 дона “Самсунг А-20” номли телефон, 1 дона ноутбук компьютерини олмоқчи бўлганида, ундан кафил кераклигини сўрашгани, бу ҳақида XXXXXXга айтиб, бирор шахсни кафил сифатида юборишини сўраганида, С.Мўсинжонов гарчи ДУКда ишламаса-да, XXXXXX уни ишлаши ҳақидаги маълумотларни тайёрлаб, дўконга жўнатиб юборгани, унга С.Мўсинжонов кафил бўлгани, шу куни номига олинган нарсаларни яшаш уйига олиб кетгани, ДУКдаги расмий айлана кўринишдаги муҳр XXXXXXни хонасидаги темир сейфда тургани, ундан XXXXXX мустақил равишда фойдаланиб келгани, уларни “Хамрох” кредит дўконидан олинган буюмларни кимга, қаерда ва қанча нархга сотганлигини билмаслиги, кредит дўконидан олинган буюмлар XXXXXXнинг яшаш уйига олиб борилиб, савдо дўконларига сотиб юборилгани, XXXXXX, Ю.Акрамов, XXXXXX, XXXXXX, XXXXXX, XXXXXX ва XXXXXXларни танимаслиги, А.Олимов билан 2018 йил қиш фаслида “Рио” номли тунги клубда танишгани, у иш излаб юрганлигини айтганида, ўзи ишлаб келувчи ДУК ўринбосари XXXXXXни олдида олиб боргани, шу куни XXXXXX А.Олимовни ишга қабул қилиш учун 200 АҚШ доллари миқдорда пул талаб қилаётганлигини айтгани, лекин XXXXXX ундан уни олдида пул сўрамагани, сўнг беришга пули йўқлиги сабабли иш ўрганувчи



сифатида ўзига шерик қилиб олгани, улар 10-15 кун давомида бирга ишлашгани, бу орада ХХХХХХ унга шогирди А.Олимов билан гаплашиб, ундан “Хамрох” кредит дўконидан номига нарса олиб беришини сўрашини, барча тўловларни бир ўзи қилиб беришини айтганида, бу ҳақида А.Олимовга айтиб, рози бўлса “Хамрох” номли кредит дўконидан нарса олиб беришини айтгани, унга онаси касал эканлигини айтганида, унга кредит олиб бериши ҳақида гапирмагани, сўнгра ўзи А.Олимов ва онаси Ф.Сотволдиеванинг розилиги билан “Хамрох” номли кредит дўконига олиб боргани, ХХХХХХ ва ХХХХХХлар ортларидан келишгани, дўкондан А.Олимов ўзини номига олиб чиққан барча нарсаларни ўзининг бошқарувидаги “Спарк” русумли автомашина салонига юклаб, буюмларни тўлиқ ҳолатда ХХХХХХ ва ХХХХХХларни кўлига топширгани, ўзи мазкур буюмлардан моддий манфаатдорлик кўрмагани, кейин ўзи ишхонада янги ишга кирган ишчиларга хизмат гувоҳномаси тайёрлаш ва бошқармага ойлик хисобот қилиш вақтида Фарғона шаҳар марказидаги “Донёр” номли интернет кафесида А.Олимовни гувоҳлигида бир неча марта ойлик маоши тайёрлаб, уларни ДУК раҳбари ХХХХХХга муҳр бостириш мақсадида олиб боргани, мазкур тузилган иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома тайёрланишидан ХХХХХХ манфаатдор бўлганлиги сабабли муҳр босиб бергани, бир сафар ДУК раҳбари ХХХХХХ ундан ДУКда ишламайдиган “Жавохир” исмли болага иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома тайёрлаб беришини сўраганида, унга ўзини флешкасидаги базадан фойдаланиб, иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома тайёрлаб бергани, лекин мазкур хужжатларга ХХХХХХни ўзи ДУК печатини босиб бергани, А.Олимовга миждоз топиб бериш масаласида топшириқ бермагани, у топиб келган ХХХХХХ ва ХХХХХХларга уларни ДУКда ишлаши ҳақидаги сохта иш ҳақи тўғрисидаги маълумотларни тайёрлаб бергани, мазкур маълумотномаларни “Хамрох” номли кредит дўконига олиб борган вақтида, ХХХХХХ ундан агарда дўкон ходимлари сўраб қолишса нима дейиши ҳақида сўраган вақтида, уларга ДУКда ишлашини, ишхона раҳбари “Лайло” опа эканлигини айтишини тушунтиргани, лекин ХХХХХХ, ХХХХХХ, ХХХХХХ ва ХХХХХХларни “Хамрох” номли кредит дўконидан нарса олган ёки олмаганлигини билмаслиги, улар билан кредит дўконига бормагани, уларни номига кредит дўконидан нима олганликларини билмаслиги, уларни номига олинган буюмлардан моддий манфаатдорлик кўрмагани, ХХХХХХ собиқ турмуш ўртоғи ХХХХХХ ва ўғли ХХХХХХни номига ҳам “Хамрох” номли кредит дўконидан кредит асосида буюм сотиб олиб, уларни бозорда сотиб юбориб, шахсий эҳтиёжлари йўлида ишлатиб юборганлигини билгани, бундан ташқари, 2017 йилда ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми билан судланиб, 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишларига жазоси тайинланганлиги, жазони ўташ вақтида 2017 йилда Алишер ака раҳбарлик қилувчи “Фартурон Фарход Қодирий” ХУЖМШда назоратчи лавозимида ишлагани, шунда Бунёдгон билан танишиб қолгани, Бунёдгон кўнғироқ қилиб, жиянига Фарғона шаҳар А.Навоий кўчасида жойлашган “Сарбон” савдо дўкони рўпарасида тадбиркорлик қилиш мақсадида кўчма дўкон ўрнатиши учун бўш жой кераклигини сўраганини, кейин Бунёд билан Алишер акани олдига бориб Бунёдгоннинг жиянига тадбиркорлик қилиши учун жой кераклигини айтганида Алишер ака ўзининг ширкатига қарашли кўп



қаватли уйларнинг ертўласини шартнома асосида ижарага бериши мумкинлигини айтганини, кейин Бунёджон билан бирга жияни Нематилло билан кўришиб, бу ҳақида айтганида, у ўзи мос жойни топиб, кўриб кўйганлигини, яъни А.Навоий кўчаси 50 ва 52^Б-уйларни ўртасида бўш ер майдони борлигини, унга айнан ўша жой кераклигини айтганини, шунда Бунёджон бу ер масаласини Алишер ака билан гаплашиб жавобини айтиб юборишини маълум қилганини, сўнг 21.01.2022 йил куни Бунёджон, жияни Нематилло билан бирга Марғилон шаҳрига Алишер ака билан гаплашиш учун боришганини, шунда Нематилло ўзи кўриб кўйган жойни Алишер акадан нархини сўраганида Алишер ака унга ушбу жой учун олдиндан харажатлар учун 400 АҚШ доллари беришлигини айтганини, шунда Бунёджон Алишер акага “ҳокимини қарори нима бўлади” деб сўраганида Алишер ака Иқбол исмли таниши борлигини, 5000 АҚШ доллари эвазига ҳокимининг қарорини чиқартириб беришини, Нематиллони Иқбол исмли шахс билан учраштиришини, ўзлари келишиб олишларини қарор чиққандан кейин Иқбол исмли шахсга 5000 АҚШ долларни бериши кераклигини маълум қилганини, кейин Алишер ака билан хайрлашиб Фарғона шаҳрига қайтиб кетишганини, 24.01.2022 йилда соат 15:20 ларда Бунёджон кўнғироқ қилиб, Нематилло билан бирга келаётганини, кўришиб олишини айтганини, кейин улар билан кўришганини, кейин Алишер акага кўнғироқ қилиб, “Бунёджонни жиянини иши нима бўлди, битириб берасизми” деб сўраганида, Алишер ака бугун битириб беришини, Шароф Рашидов МФЙ биноси олдига келиб туришларини айтганини, кейин улар Алишер ака айтган жойга бориб, у билан кўришган вақтида, Бунёджон Нематиллони паспорт нусхасини чиқариб, ичини очиб Нематиллога пулларни паспорт нусхаси орасига солишлигини айтганини, Нематилло 400 АҚШ доллари пулларини паспорт нусхаси ичига солиб, Алишер акага берганида, Алишер ака пулларни куртқасининг ўнг чўнтагига солгани, шунда Алишер акадан ишни қанчада битириб бериши ҳақида сўраганида, Алишер ака душанба куни ҳамма ишлар битишини, Нематиллога ишлар битганидан кейин 5.000 АҚШ доллари пулларини олиб келишини айтганини, сўнг Алишер ака маҳаллани ҳам ҳал қилиш кераклигини айтгани сабабли Шароф Рашидов маҳалласи раиси Ирода опа билан гаплашиш учун МФЙ биноси олдига боришгани, кейин еу ерда иш битмаганидан сўнг у ердан кетишганини, кейин Алишер ака автомашинасида ўтирган вақтида маҳалла раисига ҳам 100 АҚШ доллари ёки 150 АҚШ доллари бериши кераклигини айтгани, сўнг Алишер ака чўнтагидаги Нематиллони паспорт нусхани олиб ичидаги пул билан бирга бардачокка қўйиб қўйинг деганида, 400 АҚШ долларни олиб бардачокни ичидаги чўнтакчасига солиб қўйганини, шунда бир неча фуқаролик кийимидаги шахслар келишиб, хизмат гувоҳномаларини кўрсатишиб, фуқаро XXXXXXнинг аризаси юзасидан тезкор тадбир ўтказилганини айтишиб, уларни олиб кетишганини, кейин Департаментнинг Фарғона шаҳар бўлимига келишганида унинг қўлларини махсус аппаратда кўздан кечиришганида сарғиш ранглар борлиги аниқланиб, қўлларидан суртмалар олиниб конвертга солиб муҳрланганини, сўнг Алишер аканинг бошқарувидаги автомашина холислар иштирокида кўздан кечирилиб, торпеда қисмининг чўнтагидан 400 АҚШ доллари борлиги аниқланиб ушбу пуллар



махсус аппаратда кўздан кечирилганда сарғиш ранг ва "ПОРА-2022" ёзувлар борлиги аниқланиб, пуллар конвертга солиб муҳрлангани, қилмишидан пушаймонлигини билдириб, суддан енгиллик беришни сўради.

Судда судланувчи XXXXXXXXXX кўйилган айбловга қисман иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, унинг айби қуйидагилар билан:

-судланувчи XXXXXXнинг судда, 2018 йил 8 июндан бошлаб, Фарғона вилояти “Ягона ҳисоб китоб маркази” ДУКнинг директори лавозимида тайнланганини, Юсупов Шухрат акани 5-6 йилдан бери танишлигини, 10.06.2020 йил кунги буйруқ асосида XXXXXX ўринбосар сифатида иш бошлаганини, Хамраев Равшан Абдулкахим ўғли ва Кашибов Бунёд Дилмурод ўғли ва Шадиёв Хамид Тилаволидевичлар ДУКда ишлаган эски ишчилар бўлишганини, кейинчалик XXXXXXXXXXга 2019 йил ноябрь ойида қизи Ахроровга Нафисани турмушга берганини, лекин оилавий сабабларга кўра 5 ойдан сўнг ажрашиб кетишганини, 2020 йил март ойида бошида хизмат хонасига куёви XXXXXXXXXX ва Б.Кашибовлар киришиб, Қўштепа туманидаги “Хамрох” номли кредит дўкони очилганлигини, кредит дўконидан қўл остида ишловчи Юсупова Дилнозани номига кредитга нарса олмоқчи эканлигини айтишиб, ўзлари тайёрлаб чиққан иш ҳақидаги маълумотномага печат босиб беришни айтишганини, ДУКда иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар XXXXXXни хонасида бўлган ишчи компьютер орқали тайёрланганини, кейин XXXXXXXXXX, Д.Юсупова ва Б.Кашибов билан биргаликда “Хамрох” номли кредит дўконига боришганини, иш ҳақи тўғрисидаги маълумотларга ДУК расмий печатини босиб берганини, шу куни Д.Юсупова олган буюмлардан 1 дона музлатгични ўзи учун олиб, қизи XXXXXXга совға сифатида куёви XXXXXXXXXXга бериб юборганини, кейин 2020 йил март, апрель, май ва июнь ойларида давомида XXXXXXларга уларни ўзи раҳбарлик қилиб келувчи ДУКда ишлаши ҳақидаги маълумотларни тайёрлаб, мазкур маълумотларга имзо қўйиб, уларга печат босиб беришни назоратчи хужжатларга ДУКнинг расмий печатини босиб берганини, сўнг XXXXXX, XXXXXX, О.Низомов ва XXXXXX ва XXXXXXларни “Хамрох” номли кредит дўконига мижоз сифатида олиб боргани учун унга дўкон ходимлари томонидан 1 дона тифал ва 1 дона чойнақлар совға сифатида берилганини, айбда кўрсатилган

XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX, XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX, XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX, Арипов Зоҳиджон Зиёдулла ўғли, Акрамов Юсуфжон Муҳаммадамин ўғли, XXXXXX, фуқаро XXXXXX, фуқаро XXXXXX, фуқаро XXXXXX, фуқаро XXXXXX ва XXXXXXларини танимаслигини, ушбу фуқаролар ДУКда ишламаганини, уларни номига ДУКда ишлаши ҳақидаги сохта хужжатларни XXXXXXXXXX, Б.Кашибов ва XXXXXXлар тайёрлаб беришганини ҳақидаги;

-судланувчи XXXXXX судда, 10.06.2018 йилда Фарғона вилояти “Ягона ҳисоб китоб маркази” ДУК га бўлим бошлиғи сифатида ишга кирганини, Рустамова Лайло ДУКда директор лавозимида ишлаганини, Хамраев Равшанни ишга кирган вақтидан бери танишлигини, 2020 йил март ойида XXXXXX

Хужжат имзоланган: Мадумаров Шерзод Мамасиддиқович, 15.12.2022



Қўштепа тумани, Қумтепа м.ф.й айланма куругини олдида “Хамрох” номли кредит дўкони очилганлигини айтиб, биргаликда бориб келишни сўраганида, у ерда Д.Юсупова, ХХХХХХ, ХХХХХХХХХХХХ ва ХХХХХХларни ўзини автомашинасида “Хамрох” кредит дўконига олиб борганини, шу куни ХХХХХХ Юсупова Дилнозага иш ҳақи тўғрисидаги ҳужжатларни тайёрлаб, маълумотномаларга печат босиб берганини, ДУКда назоратчи сифатида ишлаб келувчи О.Низомов “Хамрох” кредит дўконидан номига нарса олиш истаги борлигини айтиб, “кафил” бўлиб беришини сўраган вақтида ХХХХХХ, О.Низомов ва ХХХХХХХХХХХХ билан биргаликда 20.03.2020 йил кунги “Хамрох” номли кредит дўконига бориб, О.Низомовга кафил бўлганини, 1 дона “Самсунг А-40”, 1 дона “Самсунг А-30” номли телефон, 1 дона “Асер” номли ноутбук компьюттери ва 1 дона “Канон” номли принтерларни олишганини, ДУКда бўлим бошлиғи лавозимида ишлаб келувчи Шадиев Хамид уйланаётганлиги сабабли тўй харажатларига пул кераклигини айтиб, “Хамрох” кредит дўконидан номига нарса олиш истаги борлигини билдириб, “кафил” бўлиб беришини сўраган вақтида Хамиджонга ишонгани сабабли “Хамрох” номли кредит дўконига бориб, ХХХХХХга кафил бўлиб, бир нечта буюмларни олишганини, ДУКнинг мухри ХХХХХХ ва ХХХХХХХХХХХХда турганини, фуқаро Узақов Баходиржон, Жакбаров Сохибулжон, Габитова Нурийе, Арипов Зоҳиджон, Акрамов Юсуфжон, Халилова Муаззам, Ибрагимов Азизбек, фуқаро Турдиева Нигзора, Махкамов Дунё, Холматова Азимахон, фуқаро Одилов Оятилло ва Холматжонов Иброҳимжонларни танимаслигини, ушбу фуқаролар ДУКда ишламаганини, уларни номига ДУКда ишлаши ҳақидаги сохта ҳужжатларни ХХХХХХХХХХХХ, Б.Кашибовлар тайёрлаб беришганини гувоҳи бўлганини, чунки ХХХХХХХХХХХХ бошқарувдаги “Спарк” русумли автомашина саломида бир неча иш ҳақи тўғрисидаги сохта маълумотлар борлигини уларда печатлар босилганлигини кўрганини, “Хамрох” кредит дўконидан ўзини номига олинган кредитдан ташқари бошқа кредитлардан моддий манфаатдорлик кўрмагани, ушбу ишларга умуман алоқаси йўқлиги ҳақидаги;

-судланувчи ХХХХХХ судда, таниши А.Олимов ундан қарзга 100 АҚШ доллари пул олганини, ушбу қарзини сўраганида, Хамраев Равшан исмли таниши борлигини, агарда рози бўлса Қўштепа тумани, Қумтепа м.ф.йдаги “Хамрох” кредит дўконидан номига кредитга нарса олиб беришини, барча тўловларни ўзи тўлаб боришини айтганини, кейин 2021 йил майда Марғилон шаҳар, ТРЗ бозори олдида А.Олимов ва ХХХХХХХХХХХХлар билан кўришганида, ХХХХХХХХХХХХ номига кредитга нарса олиб беришини айтганида “Қонуний тартибда олиб берасизми, эртага муаммо бўлмайдами” деб сўраганида ҳаммаси ҳужжат асосида бўлишини айтганини, шунда ХХХХХХХХХХХХга ишониб, унга ўзини фуқаролик паспортини бериб юборганини, 25.05.2020 йил куни Хамраев Равшан телефон қилиб, “Хамрох” номли кредит дўкони олдида кутиб турганини айтганида, “Хамрох” кредит дўконига борганини, у ерда ХХХХХХХХХХХХ, А.Олимов ва кейинчалик билган Одилов Оятилло бўлганини, шунда ХХХХХХХХХХХХ иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома ва паспорт нусхасини бериб, Одилов Оятилло кафил бўлишини, уни эса ХХХХХХга кафил бўлишини айтганини, сўнг



XXXXXX билан “Хамрох” кдерит дўконига кириб, шартномани имзолаб, 1 дона “Артел” русумли 43-хажмли телевизор, 1 дона “Артел” русумли кондиционер, 2 дона “Самсунг А-51” ва “Самсунг А-40” маркали телефон каби жами 15.749.000 сўмлик маҳсулотларни 24 ой муддатга қайтариб шарти билан сотиб олганини, XXXXXX кафил бўлгани, Одилов Оятилло ҳам ўзини номига шартнома билан ўзига бир нечта нарсаларни сотиб олгани, шу куни Одилов Оятилло номига олган нарсадан 1 дона телевизорни Хамраев Равшанга бериб юборгани ҳақидаги;

-судланувчи XXXXXX судда, 2020 йил майда опаси XXXXXXга танишлари бўлса кредитга велосипед олиб беришини сўраганида, унга Олимов Абдумажини телефонини берганини, кейин А.Олимов билан кўришганида “Хамрох” кредит дўконидан номига 2 дона телевизор ва 2 дона телефон аппарати олишини, 2 та телевизорни опаси А.Холматовга 1 дона телефони унга берса ўзида 1 дона телефон қолишини ҳамма ўзи олган буюмларни пулларини тўлаб боришини айтганини, кейин рози бўлганини, кейин у билан биргаликда Қўштепа туманидаги “Хамрох” кредит дўконига боришганини, у ерда Хамраев Равшан билан кўришганини, XXXXXXXXXXXX кўлидаги 2 та иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномани у ва Холматжонов Иброхимга бериб, уларни дўкондан чиқишини кутиб туришини, Фарғона вилоят бошқармаси “Ягона ҳисоб китоб маркази” ДУК да ишлаб келишини, агарда сўраб қолишса ДУК раҳбари Рустамова Лайла эканлигини айтганини, сўнг Иброхим билан “Хамрох” кредит дўконига кириб, кўлидаги маълумотномаларни дўкон ходимларига тақдим этишганини, кейин №-319-сонли шартномани тузиб, унга асосан 1 дона дюмли Артел телевизор, 1 дона 43 дюмли “Артел” телевизор ва 1 дона “Самсунг А-20” маркали телефон, 1 дона “Ми 8 нот” маркали телефон жами 17.273.960 сўмлик нарсаларни 2 йил (24 ой) муддатга пулини бериш шарти билан сотиб олганини, Холматжонов Иброхим унга кафил бўлганини, у эса XXXXXXга кафил бўлганини, кейин А.Олимов “Самсунг А-20” маркали телефонни ўзига танлаб олганини, опаси XXXXXX телефон орқали 32 дюмли “Артел” телевизорини Равшанга бериб юбориши ҳақида айтгани учун XXXXXXXXXXXXга телевизорни бериб юборганини, сўнг 43 хажмли телевизорни опаси XXXXXXни қизлик уйига олиб бориб бергани, ҳозирги кунда номига олинган буюмларни пулларни “Хамрох” номли кредит дўконига қисман тўлаб қўйгани ҳақидаги;

-судланувчи XXXXXXнинг судда, 2020 йил май ойида кўшниси Фотима опадан кредит эвазига маиший техника олиб беришини сўраганида, Фотима опанинг ўғли Абдумажид паспортдан нусха беришини ва таниши борлигини айтгани, 22.05.2020 йил куни Абдумажид шериги бўлган кейинчалик билган Хамраев Равшанбек Абдухалим ўғли билан бирга келиб, кредит учун керакли бўладиган ҳужжатлар йиғма жилди тайёр бўлганини, ушбу ҳужжатлар учун 2. млн сўм ёки номига бирор буюм олиб беришини айтишгани, таклифига рози бўлганидан сўнг, Қўштепа туманидаги “Хамрох” номли кредит дўконига боришгани, у ерда 308-сонли шартнома тузилиб, номига 1 дона Самсунг А 20 русумли телефон аппарати, 1 дона кондиционер Артель 12 ли, 1 дона “Шиваки” номли телевизор, 1 дона вентилятор жами 11.584.480 сўмлик нарсаларни сотиб олгани, кейин 1 дона Самсунг А 20 русумли телефон аппарати ва 1 дона



биргаликда кредит дўконига кириб, кредит дўкони ходимлари билан №234-сонли шартномани тузиб, шартнома асосида 1 дона автомашинаси учун 1.061.340 сўм бўлган автомашина учун калонка, 1 дона баҳоси бўлган 5.430.441 сўм бўлган ноутбек компьютери, 1 дона “Артел” номли 43 дюмли баҳоси 6.381.200 сўм бўлган телевизор, 1 дона “Артел” номли 32 дюмли баҳоси 3.040.960 сўм бўлган телевизор, 1 дона баҳоси 6.312.400 сўм бўлган угалок, 1 дона баҳоси 481.600 сўмлик журналний стол каби жами 22.707.440 сўмлик нарсаларни 2 йил (24 ой) муддатга пулини бериш шarti билан сотиб олгани, унга ХХХХХХ кафил бўлгани, ХХХХХХни Фарғона вилояти “Ягона ҳисоб китоб маркази” ДУКда ишламаслигини билгани, Н.Турдалиева ҳам кредитга нарсалар олгани, унга кафил бўлгани, кейин “Хамрох” кредит дўконидан олинган буюмларни Фарғона шаҳар марказидаги савдо дўконларига сотиб, сотувдан тушган пулларни эски қарзлари учун ишлатиб юборгани, 2020 йил майда таниши Арапов Зоҳид ва Махкамов Дунёлар пуллари қолмагани қарз бўлиб қолганлигини айтганида, уларга Қўштепа тумани, Қумтепа м.ф.йдаги “Хамрох” кредит дўконидан нарса олиб чиқиб, нарсаларни бозорда сотса пул бўлишини қарзларини узиб олишини, уларга иш ҳақи тўғрисида маълумотда тайёрлаб берган Ахроров Музаффарга ўзлари олиб чиққан 1 дона телефонларни бериши кераклигини айтганида, улар рози бўлишгани, сўнг паспорт нусхаларини олиб, Музаффарга иш ҳақи тўғрисида маълумотнома тайёрлаб бериши учун бергани, 20.05.2020 йил куни “Хамрох” кредит дўконига бориб, уларни бир-бирига кафил қилиб, нарсаларни кредит асосида харид қилиб чиқишгани, 2 дона қўл телефонларни таниши ХХХХХХга ҳужжат тайёрлаб бергани учун бергани, қолган буюмларни Дунё ва Зоҳидлар ўзлари билан олиб кетишгани, лекин улар 21.05.2020 йил куни олинган нарсаларни фоизи катта эканлигини айтгани учун Дунё учун олиб қолган 1 дона болалар автомашинаси, 1 дона 32 “ШИВАКИ” номли телевизор, ХХХХХХ олиб қолган 1 дона 43 лик “АРТЕЛ” номли телевизордан ташқари қолган буюмларни “Хамрох” дўконги қайтариб беришгани, сўнг Д.Махкамовга қарзи борлигини айтиб, ўзида олиб қолган 1 дона 32 “ШИВАКИ” номли телевизорини кредит дўконга барча тўловларни ўзи тўлаб боришини айтиб, бозорда 800.000 сўмга сотиб пулни қарзи учун тўлаб юборгани, кейин номига олинган буюмларни пулларни “Хамрох” номли кредит дўконига тўлаб қўйгани ҳақидаги;

-судланувчи ХХХХХХнинг судда, муқаддам Фарғона вилояти Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси Фарғона вилояти “Ягона ҳисоб китоб маркази” ДУКда ишламагани, А.Иброхимовни ёшлигидан танишлиги, 2020 йил майда пулга мухтож бўлиб қолганида, А.Иброхимов Қўштепа тумани, Қумтепа м.ф.й да очилган “Хамрох” номли кредит дўконидан номларига нарса олиб чиқиб сотишини, сотувдан тушган пулларга қарзларини тўлаб олишини айтгани, шунда унга “Ҳеч қаерда ишламасам, иш ҳақи тўғрисида маълумотнома бўлмаса кредит дўконидан нарса олиб бўлмайдими-ку”-деганида иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномани бир таниши тайёрлаб беришини, мазкур хизмати эвазига унга кредит дўконидан бир дона телефон олиб бериши кераклигини айтганида, рози бўлиб, Махкамов Дунё билан биргаликда А.Иброхимовга ўзини фуқаролик паспортини бериб юборишгани, орадан бир кун ўтиб, 20.05.2020 йил куни соат 11.00ларда Д.Махкамовга тегишли бўлган “Нексия-1” русумли



автомашинада Махкамов Дунё, Ахроров Музаффар ва Иброхимов Азизлар билан биргаликда “Хамрох” кредит дўконига боришгани, йўлда А.Иброхимов дўкон ходимлари сўраб қолса, Фарғона вилояти Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси Фарғона вилояти “Ягона ҳисоб китоб маркази” ДУКда компьютер оператори сифатида ишлашгани, бошлиғи Рустамова Лайло эканлигини айтиши кераклигини айтгани ва қўлига “Ягона ҳисоб китоб маркази”да ишлаши ҳақида ҳужжатларни бергани, Дунё ва Азиз билан биргаликда дўконга кириб, дўкон маъмуриятига иш ҳақи тўғрисидаги ҳужжатларни бериб, №295-сонли шартномани тузиб, шартнома асосида 1 дона “Артел” кондиционер, 2 дона 43 ҳажмли “ВЕСТА” телевизорлари, бир дона “Самсунг” русумли телефонлар каби жами 23.000.000 сўмлик нарсаларни 1.5 йил (18 ой) муддатга пулини бериш шarti билан сотиб олгани, унга ўртоғи Д.Махкамов кафил бўлгани, Д.Махкамов ҳам шу куни кредит дўконидан ўзини номига кафиллиги асосида нарса сотиб олгани, кейин 1 дона “Самсунг” русумли қўл телефони Ахроров Музаффарга ҳужжатларни тайёрлаб келгани учун бергани, Д.Махкамов ҳам олган бир дона қўл телефонни Музаффарга бергани, кейин қилган ишини нотўғрилиги билиб, олган нарсаларини “Хамрох” кредит дўконига олиб бориб, 1 дона “ВЕСТА” номли 4.239.000 сўм бўлган телевизордан ташқари қолган буюмларни қайтариб бергани, 02.07.2020 йил куни таниши Тешабоева Анора Исроилова билан биргаликда Хамрох кредит дўконига келиб, №541-сонли шартномани тузиб, шартнома асосида 5 853 440 сўмлик телефонларни 1.5 йил (18 ой) муддатга пулини бериш шarti билан сотиб олгани, 30.10.2020 йил куни таниши Тешабоева Анора Исроилова билан биргаликда Хамрох кредит дўконига келиб, унинг кафиллиги асосида дўкон ходимлари билан №156-сонли шартномани тузиб, шартнома асосида 2 972 000 сўмлик телефонларни 1 йил (12 ой) муддатга пулини бериш шarti билан 1 дона “МИ нот 9” номли қўл телефонини ишлатиш учун сотиб олганини, ҳозирги кунда номига олинган буюмларни пулларни “Хамрох” номли кредит дўконига тўлаб қўйгани ҳақидаги;

-судланувчи XXXXXX судда, 2020 йил 6 май куни таниши XXXXXXнинг туғилган кунда XXXXXX, XXXXXX, XXXXXX, XXXXXXXXXXXX ва XXXXXXлар меҳмон сифатида келишганида XXXXXXXXXXXX билан танишгани, шунда XXXXXXXXXXXX номига кредитга нарса олиб берса тўловларни ўзи тўлаши, кредит ҳужжатларини ўзи тайёрлашгани айтганида рози бўлгани, 08.05.2020 йил куни XXXXXXXXXXXX телефон қилиб, “Хамрох” кредит дўконига бориши кераклигини, ҳужжатлар тайёр бўлганини айтгани, сўнг таниши XXXXXX билан биргаликда “Хамрох” кредит дўконига боришганида, у ерда XXXXXXXXXXXX кутиб олгани, уни қўлига 2 дона иш ҳақидаги тўғрисидаги маълумотномани бериб, мазкур ҳужжатни дўкон ходимларига тақдим этса номига хоҳлаган нарсаларни харид қилиши мумкинлигини айтгани, сўнг XXXXXX билан биргаликда кредит дўконига бориб, шартномага имзо қўйиб, ҳар бири 2.979.000 сўмлик 2 дона музлатгич, ҳар бир 6.381.200 сўмлик 2 дона 43 ҳажмли телевизор, 5.550.000 сўмлик болалар учун 1 дона машина, 1 дона духовкаларни олгани, унга XXXXXX кафил бўлгани, XXXXXX ҳам номига “Хамрох” кредит дўконидан нарсалар олгани, унга кафил бўлгани, кейин 1 дона болалар машинаси ва 1 дона



печни ўзида олиб қолгани, қолган буюмларни ХХХХХХХХХХХХ “Лабо” номли кичик юк машинасида яшаш уйдан олиб кетгани, суд жараёнида ўзининг номига олинган буюмларни пулларни “Хамрох” номли кредит дўконига тўлаб қўйгани ҳақидаги;

-судланувчи ХХХХХХ судда, 2022 йил январь ойида олдида Бунёд ва Равшан исмли танишлари келишиб, ўзларига қарашли бир таниши тадбиркорлик қилиш учун жой қидириб юрганини, Фарғона шаҳар А.Навоий кўчасидан 50 ва 52^Б кўп қаватли уйлар ўртасидаги бўш ер майдонини ажратиш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғини билан гаплашиб беришини илтимос қилишганини, кейин олдида Неъматилло исмли шахсни ҳам олиб келишганини, унга ҳам маҳалла билан гаплашиб кўришини айтганини, кейинроқ Равшан, Бунёд ва бир йигит келишганини, ундан ширкати ҳудудида бўш жой борлигини, уни кўришганини айтишганини, шунда уларга ер маъқул келган бўлса маҳалла раиси билан гаплашиб, маслаҳат қилиб кейин айтишини айтганини, 2022 йил 24 январь куни “ХХХХХХ” маҳалла фуқаролар йиғини биноси олдида Равшан, Бунёд ва ер олмоқчи бўлган йигит Неъматилло билан кўришганини, ундан фуқаролик паспорти нусхасини олиб, улар маҳалла раисини олдида киришганини, маҳалла раисига 50 ва 52 кўп қаватли уйларни ўртасидаги бўш ердан фойдаланадиган тадбиркор борлигини, бўш ерга тадбиркор савдо дўкони очмоқчилигини айтганини, маҳалла раиси “эртага келсаларинг гаплашиб кўрамиз” деб, уларни жўнатиб юборганини, шунда у ташқарига чиқиб, Неъматиллони паспорт нусхани Равшанга қайтариб берганини, шунда Равшан, Бунёд билан Неъматиллога кетаверишларини, эртага ҳал бўлишини айтиб, уларни жўнатиб юборганлигини, уни “Фестивал” томонга ташлаб қўйишини айтганлигини, шу орада уларнинг олдида бир неча фуқаролик кийимидаги шахслар келишиб, хизмат гувоҳномаларини кўрсатишиб, фуқаро ХХХХХХнинг аризаси юзасидан тезкор тадбир ўтказилганини маълум қилишиб, ўзларини таништиришларини ҳозир ким билан нима мақсадда кўришганини, ундан нима қабул қилиб олганлигини сўрашганини, уларга ўзларини таништирганини, ХХХХХХ билан нима мақсадда кўришганлигини айтиб берганини, шундан кейин уларни Департаментнинг Фарғона шаҳар бўлимига олиб боришганини, у ерда Равшаннинг қўллари кўздан кечирилганда сарғиш ранглар борлиги аниқланганини, суртмалар олиниб, конвертга солиб муҳрланганини, шундан кейин уни бошқарувидаги автомашина холислар иштирокида кўздан кечирилиб, автомашинанинг “торпеда” қисмининг чўнтагидан 400 АҚШ доллари борлиги аниқланганини, ушбу пуллар махсус аппарат ёрдамида кўздан кечирилганда сарғиш ранг ва “ПОРА-2022” ёзувлар борлиги аниқланганини, пуллар конвертга солиниб муҳрланганини, кейин бўлиб ўтган ҳолат бўйича уни иштирокида ҳужжатлар расмийлаштирилганини, уларни имзолаб бергани ҳақидаги;

-жабрланувчи ХХХХХХ судда, 2020 йил май ойида ХХХХХХХХХХХХ номига кредитга нарса олиб берса тўловларни ўзи тўлаши, кредит ҳужжатларини ўзи тайёрлашини айтганида рози бўлгани, 2020 йил 13 майда ХХХХХХХХХХХХ телефон орқали ҳужжатларни имзолаб беришини сўрагани, ХХХХХХХХХХХХ ва ХХХХХХ билан “Хамрох” дўконига бориб, шартномага



имзо кўйиб, 1 дона
4.231.200 сўмлик “Samsung A-20” русумли телефон аппарати ва 5.420.000 сўмлик “Lenova-33504/1000” ва 5.430.000 сўмлик “Aser-400/500” компьютерлар ва бир дона 3 дюмли 5.574.500 сўмлик “Artel” телевизор олигани, барча нарсаларни XXXXXXXXXXXXга бергани, XXXXXXXXXXXX иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномани бермагани, ҳужжатларни дўконга XXXXXXXXXXXX тақдим этгани, ДУКда ишламагани, ушбу қридетни олишда ҳеч қандай моддий манфаатдор бўлмагани ҳақидаги;

- жабрланувчи XXXXXX судда, 2020 йил март ойида XXXXXXXXXXXX дўкондан кредитга номига нарса олса тўловларни ўзи тўлашини айтгани, XXXXXXXXXXXX кредит олиб берса келгусида муаммо бўлмаслиги айтгани учун рози бўлгани, 2020 йил 3 мартда XXXXXXXXXXXX берган ҳужжатлар асосида “Ҳамроҳ” дўконидан шартномани билан 1 дона “Aser” компютери, 1 дона “LG” кир ювиш машинаси, 1 дона “LG” музлаткич, 1 дона нархи 16.449.000 сўмлик антирадарни 24 ойга сотиб олигани, XXXXXXXXXXXX юк автомашинасига нарсаларни юклаб кетгани, кредитдан ҳеч қандай моддий манфаатдор бўлмагани, номига олинган кредит учун “Ҳамроҳ” дўконига 500.000 сўм тўлагани ҳақидаги;

-жабрланувчи XXXXXX судда, 2020 йил май ойида XXXXXXXXXXXX дўкондан номига кредитга нарса олиши, тўловларни ўзи тўлашини айтганида рози бўлгани, “Ҳамроҳ” дўконидан номига ҳар хил буюмларни кредитга олиб, барчасини XXXXXXXXXXXXга бергани, сохта ҳужжатларни XXXXXXXXXXXX тайёрлагани, кредитдан ҳеч қандай моддий манфаатдор бўлмагани ҳақидаги;

- жабрланувчи XXXXXX судда, 2020 йил май ойида XXXXXXXXXXXX кредит дўконидан номига нарса олиши, тўловларни ўзи тўлашини айтганида рози бўлгани, XXXXXX билан 500.000 сўм эвазига XXXXXXXXXXXXга кредит асосида “Ҳамроҳ” кредит дўконидан ҳар хил 3 дона буюмларни олиб берганлиги, барча буюмларни XXXXXXXXXXXX олиб кетганлиги, сохта ҳужжатлар ҳақида ҳеч нарсани билмаслиги, XXXXXXXXXXXX уларга кредит ҳужжатларини ҳақиқий эканлиги ҳақида айтганлиги, у кредитга олинган нарсалардан манфаатдор бўлмагани ҳақидаги;

- жабрланувчи XXXXXX судда, Ю.Акрамов “Ҳамроҳ” дўконидан кредитга нарса олиб, тўловларни биргаликда қайтариши, иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномани таниши А.Олимов тайёрлашини айтганида рози бўлгани, 2020 йил 29 майда “Ҳамроҳ” дўконига борганида А.Олимов ва XXXXXXXXXXXXлар кутиб олиб, XXXXXXXXXXXX унга “Ягона ҳисоб китоб маркази” ДУКда ишлаши ва иш ҳақи тўғрисидаги сохта ҳужжатни бергани, дўконга кириб шартномани имзолаб, 2 дона 12 ҳажмли инвекторли “Avalon” кондиционер ва 32 лик “Artel” телевизор, жами 23.243.360 сўмлик буюмларни 2 йилга сотиб олигани, Ю.Акрамовда бир дона кондиционер қолгани, телевизор ва кондиционер 6.000.000 сўмга сотишгани, Ю.Акрамов 2.500.000 сўмни XXXXXXXXXXXXга сохта ҳужжат тайёрлагани учун бергани, Ю.Акрамов унга барча кредит тўловларини ўзи ойма-ой тўлаб боришини айтганида рози бўлгани, Ю.Акрамов унга 500.000 сўм ёрдами учун бергани ҳақидаги;

- жабрланувчи XXXXXX “Телеграм” ижтимоий тармоғи орқали судда, у Кашибов Бунёдни яхши танишини, 2022 йил январда тадбиркорлик билан



шуғулланиш учун бўш ер ҳақида Б.Кашибов билан гаплашганида, у Равшанбек исмли таниши билан ҳам гаплашиб кўришини айтганлигини, шунда унга Фарғона шаҳар Сарбон савдо дўкони яқин атрофида бўш жой бўлса яхши бўлишини айтганини, кейинроқ Б.Кашибов билан телефон орқали гаплашганида, Фарғона шаҳар А.Навоий кўчасида жойлашган 50 ва 52^Б кўп каватли уйларнинг ўртасида “Сарбон” савдо дўкони рўпарасида бир сотихли бўш жой борлигини, шу ерга кўчма дўкон қуриш масаласида Равшанбек билан гаплашаётганини, ушбу жойни биргаликда бориб кўришини айтганини, сўнг “Сарбон” савдо дўкони олдида Бунёджон ва Равшанбек билан кўришиб, бўш турган бир сотихли ер майдонини кўришганини, Равшанбек ушбу жой масаласида Алишер ака билан гаплашиб кўришини айтиб, кейинчалик танигани Назаров Алишерга кўнғироқ қилганини, шунда XXXXXX Марғилон шаҳрида эканлигини айтгани учун улар Марғилон шаҳрига бориб, Алишер билан кўришиб, Фарғона шаҳар А.Навоий кўчасида жойлашган “Сарбон” савдо дўкони рўпарасидаги бир сотихли бўш ер майдонини олмоқчи эканини айтганини, шунда XXXXXX олдиндан 400 АҚШ доллари пулларни беришини, кейинчалик, яъни ҳоким қарорини чиқартириб берганидан сўнг яна 5.000 АҚШ доллари бериши кераклигини маълум қилганини, шунда 2022 йил 24 январь куни Алишер билан Бунёджонларни ер ажратиб бериш таклифи ноқонуний эканлигини англаб, Департамент ва ДХХ Фарғона вилоят бошқармаси бошлиқлари номига ариза билан мурожаат қилганини, сўнг ариза юзасидан ходимлар томонидан тезкор тадбир ўтказилишини режалаштирилганини, сўнг икки нафар холис иштирокида ишлов берилган 400 АҚШ доллари ва махсус диктофон аппаратини беришганини, кейин Бунёджонга кўнғироқ қилиб, “Трансбанк” Фарғона филиали биноси олдида кўришишганини, сўнг Равшанбекни ёнига “Фестивал” савдо мажмуаси олдида кўришганини, шунда Равшанбек уларни XXXXXX МФЙ биноси олдида бошлаб борганини, Алишер келиб, у олмоқчи бўлган ер масаласи юзасидан маҳалла идораси раиси билан ҳам гаплашишлигини, унга ҳам ҳар ойда тушган фойдадан бериб туриши кераклигини айтганини, шунда Бунёджон уни паспортини нусхасини ичига 400 АҚШ доллари пулларни солиб беришини айтганида, унга ёнида бўлган ушбу пулларни паспортининг нусхасини ичига солиб берганини, шунда Алишер ака ушбу паспорт нусхаси билан пулларни кўлига олиб, маҳалладан 51 % фуқароларга имзо қўйдиришини ва шаҳар ҳокимиятидаги таниши орқали ушбу ер майдонига қарор чиқартириб беришини, қолган 5.000 АҚШ доллари пулларни қарор чиқартириш вақтида ишлар ҳал бўлганидан кейин беришини айтганини, сўнг Бунёджон билан кетганини, Алишер билан Равшанбек ўша ерда қолганлигини, сўнг тадбир иштирокчилари келишиб, Алишер ва Равшанбекни ушлаганини ва тегишли ҳужжатларни тузишганлигини, ҳозирда уни ҳеч кимга нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб, суддан судланувчи XXXXXXXXXXXXга қонуний енгиллик бериш ҳақидаги;

-жабрланувчининг қонуний вакили Ф.Ҳожибоев суддаги, 2021 йил 12 июндан буён Қўштепа туманидаги “Хамрох” савдо дўконида “хуқуқшунос” сифатида ишлаб келаётганини, Фарғона вилояти Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси Фарғона вилояти “Ягона ҳисоб китоб маркази” ДУК Марғилон шаҳар, Ватерой худудида жойлашган ширкат ишчилари томонидан



“Хамрох” номли савдо дўконидан 24 та шартнома асосида 21 та фуқарога кредитга нарса олинганлигини билганини, “Хамрох” савдо дўкони ходимлари фуқаролар билан гаплашиб, улардан тўлов қилишларини талаб қилган вақтида улар Фарғона вилояти Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси Фарғона вилояти “Ягона ҳисоб китоб маркази” ДУК да ҳеч қандай лавозимда ишламаганини, номига олинган буюмларни ширкат раҳбари Рустамова Лайлохон, раҳбар ўринбосари Юсупов Шухрат ва Хамраев Равшанга олиб берганини “Хамрох” садо марказидан олинган буюмлардан моддий манфаатдорлик кўрмаганлигини айтишганини, кейин ҳолатга аниқлик киритиш мақсадида туман прокуратураси ва ИИБ бошлиғига мурожаат қилганини, ҳозирги кунда дўконга етказилган зарар қисман қопланиб, етказилган зарар миқдори 103.564.000 сўмни ташкил қилишини билдириб, ушбу зарарни айбдорлардан ундириб беришлик ҳақидаги;

-гувоҳ Б.Кашибов судда, 2018 йил 6 апрелдан кундан Фарғона вилояти “Ягона ҳисоб китоб маркази” ДУКда назоратси сифатида ишлаб келиши, ДУК раҳбари ХХХХХХ, ДУК раҳбари ўринбосари ХХХХХХларни 2018 йил июль ойида ишга келишган вақтдан таниши, ХХХХХХХХХХни ҳам 4-5 йилдан бери таниши, улар билан яхши муносабатда бўлиб, уларга нисбатан шахсий адовати йўқлиги, ХХХХХХХХХХ билан ДУКда назоратчи сифатида ишлаб келишгани, ДУКда ишламаган ХХХХХХ, ХХХХХХ, ХХХХХХ, ХХХХХХ, ХХХХХХ, З.Арипов, Ю.Акрамов, А.Олимов ва ХХХХХХ номига гарчи улар Фарғона вилояти “Ягона ҳисоб китоб маркази” ДУКда ишламасларда, уларни ДУК раҳбари ХХХХХХ ва ўринбосари ХХХХХХ томонидан сохта иш ҳаққи тўғрисидаги ҳужжатлар тайёрлаб, уларни номига “Хамрох” кредит дўконидан нарсаларни олиб, ўзларини шахсий эҳтиёжлари йўлида ишлатиб юборганлигини билиши, ДУКда ишлаб келувчи ХХХХХХ, ХХХХХХ ва О.Низомовларни 2020 йил март, май ойларида ДУК раҳбари ХХХХХХ ва ХХХХХХларга ишониб, ўзларини номига кредитга нарса олиб беришганини эшитгани, О.Низомов ва Г.Тўшпўлатовалар бир неча марта иш жараёнида уларни олдида Шухрат акага яшаш уйига “Хамрох” кредит дўкони ходимлари келишиб, тинчлигини бузаётганлиги сабабли тўловларни қилиб беришини талаб қилганлигини гувоҳи бўлгани, ХХХХХХХХХХни сохта ҳужжат тайёрлаганлигини бирор марта гувоҳи бўлмагани, лекин ХХХХХХХХХХХ билан бир неча марта иш вақтида унга шерик сифатида “Хамрох” дўконига келиб, бир неча фуқароларни номига нарса олиб кетган вақтда гувоҳи бўлгани, унга ХХХХХХХХХХХ буюмларни ХХХХХХ ва ХХХХХХга олиб бориб беришини айтгани, лекин буни кўзи билан кўрмагани, бундан ташқари таниши ХХХХХХ тадбиркорлик фаолияти учун бўш ер майдони кераклигини айтганини, сўнг ХХХХХХХХХХХга танишига ер кераклигини айтганини, кейин ХХХХХХХХХХХ билан бирга таниши ХХХХХХга Фарғона шаҳар А.Навоий кўчасида жойлашган 50 ва 52^Б кўп қаватли уйларнинг ўртасида “Сарбон” савдо дўкони рўпарасида бир сотихли бўш жойни бориш кўришганини, танишига ушбу жой маъқул келганини, кейин ХХХХХХ уларга бу масалани ҳал қилиб беришини айтганлигини, бу ерни маҳалла фуқаролар йиғини раиси билан гаплашиб олиб беришини айтганлигини, лекин уни пул



масаласи бўйича уларнинг ўрталаридаги пул муомаласидан хабари йўқлиги ҳақидаги;

-гувоҳ А.Олимов судда, XXXXXXXXXXXX билан 2019 йилда Фарғона шаҳар марказидаги “Рио” номли тунги клубда танишиб қолгани, XXXXXXXXXXXX унга Фарғона вилояти Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси Фарғона вилояти “Ягона ҳисоб китоб маркази” ДУКка ишга киришни таклиф қилгани, уни таклифига рози бўлгани, шунда XXXXXXXXXXXX ДУК раҳбари XXXXXXX қайнотаси эканлигини, ишга кириш учун 200 АҚШ доллари бериши кераклигини айтгани, шунда пули йўқлигини айтганида, XXXXXXXXXXXX иш ўрганиб туришини, кейинроқ пул топиб беришини айтгани, сўнг XXXXXXXXXXXX ва у билан биргаликда ишлаб келувчи Б.Кашибов билан биргаликда Фарғона шаҳар, Киргули мавзесида тахминан 10 кун давомида ширкатлардан коммунал тўловлари учун пул йиғиб, иш ўрганиб юргани, бу орада XXXXXXXXXXXX ишга кириш учун сўраган 200 АҚШ доллари беришини талаб қилган вақтида, унга оилавий шароити сабабли пули йўқлигини айтгани, шунда XXXXXXXXXXXX рози бўлса “Хамрох” номли кредит дўконидан уни номига кредитга нарса олишларини, барча тўловларни ширкат раҳбари XXXXXXXни бир ўзи тўлаб келишини айтгани, шундан кейин рози бўлиб, Марғилон шаҳар марказидаги АТБ Халқ банкидан ўзининг номига 20.000.000 сўм қийматига тенг бўлган маиший техника буюмларини олиб бергани, XXXXXXXXXXXX билан 1 ой муддат давомида иш ўрганиб юргани, сўнг қурилиш ишларига ўтиб кетгани, 2020 йил 11 март куни XXXXXXXXXXXX яшаш уйига келиб, пул зарур эканлигини айтиб, номига Қўштепа тумани, Қумтепа м.ф.йда жойлашган “Хамрох” номли кредит дўконидан кредитга нарса олиб беришини сўраганида, унга ишониб, кредитга нарса олиб беришга рози бўлгани, 11.03.2020 йил куни онаси Ф.Сотволдиева билан биргаликда “Хамрох” кредит дўконига боришгани, уларни XXXXXXXXXXXX таниши Б.Кашибов билан биргаликда кутиб олишгани, шунда XXXXXXXXXXXX шериги Б.Кашибовни олдида қўлига Фарғона вилояти Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси Фарғона вилояти “Ягона ҳисоб китоб маркази” ДУК (давлат юнитар корхонасида)да мутахассис сифатида ишлаши ҳақидаги сохта ҳужжатни берганини, кейин “Хамрох” кредит дўконига кириб, шартномани имзолаб, 1 дона “Роисон” номли 43 дюмли телевизор, бир дона автомашина калокалари, 1 дона “Ред Ми” номли телефон каби жами 10.745.000 сўмлик маҳсулотларни 24 ой муддатга сотиб олгани, онаси Ф.Сотволдиева унга кафил бўлгани, кредит дўконидан олинган барча буюмларни Қўштепа тумани “Пархез” номли кредит дўкони олдида Б.Кашибовни гувоҳлигида XXXXXXXXXXXXга бериб юборгани, унга сохта ҳужжатни Равшан тайёрлаб олиб келгани, кейин қўшниси XXXXXXX кредит олишда ёрдам сўраганида, унга XXXXXXXXXXXX таниши борлигини, агарда хизмат ҳақини берса “Хамрох” номли кредит дўконидан нарса олиб чиқиб беришини айтгани, сўнг XXXXXXX таниши XXXXXXXXXXXXнинг қўл телефонига ўзини паспорт нусхасини ташлаб бергани, XXXXXXXXXXXX таниши Б.Кашибов билан биргаликда Фарғона шаҳар марказидаги “Донир” номли кафени тепасидаги компьютер хизматларидан биргаликда сохта ҳужжатларни ўзида мавжуд бўлган электрон флешкада тайёрлаб олиб



чиқишганлигини гувоҳи бўлгани, унга XXXXXXXXXXXX сохта ҳужжатларга Фарғона вилояти Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси Фарғона вилояти “Ягона ҳисоб китоб маркази” ДУКни муҳрини босиб бериш учун қайнотаси XXXXXX ва XXXXXX ҳар бир иш ҳаққи маълумотномаси учун 1.000.000 сўмдан пул олишини айтгани, XXXXXX билан “Хамрох” номли кредит дўконига бориб, унга Ю.Акрамов кафиллигида нарса олиб чиқилган вақтда бир дона 43 дюмли телевизорни XXXXXX уни олдида XXXXXXXXXXXXга бериб юборгани, кейинчалик ўртоғи XXXXXXга таниши XXXXXXни кафил сифатида “Хамрох” номли кредит дўконига олиб боргани, шу куни XXXXXXXXXXXX уларни Фарғона вилояти Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси Фарғона вилояти “Ягона ҳисоб китоб маркази” ДУКда ишлаши ҳақидаги сохта иш ҳаққи тўғрисидаги маълумотномаларини дўкон олдида уларга тақдим этгани, сўнг дўкондан ўртоғи XXXXXXни номига олинган буюмлардан 1 дона “Самсун А-20” маркали телефони ўзида олиб қолиб, ойлик тўловларини ўзи тўлаб бориши ҳақида айтганида, рози бўлгани, сўнг Оятилодан кўл телефонни ўзида олиб қолгани, кейин таниши XXXXXX дўкондан олиб чиққан нарсаларни учун 1 дона 43 дюмли телевизорни XXXXXXXXXXXXга бергани, лекин XXXXXX ўзини номига олинган берса нарсаларни ўзида олиб қолгани ҳақидаги;

-гувоҳ З.Акрамованинг ўтган суд мажлисида, 2017 йил 20 сентябрь кунидан 2020 йил сентябрь ойига қадар Фарғона вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси Фарғона вилоят “Ягона ҳисоб-китоб маркази” ДУК да ходимлар бўлими бошлиғи (кадр бошлиғи) лавозимида ишлагани, XXXXXX ва XXXXXXларни ишга қабул қилинган вақтдан бери таниши, XXXXXXXXXXXX, XXXXXX, Д.Кашибов, О.Низомов ва XXXXXX Фарғона вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси Фарғона вилоят “Ягона ҳисоб-китоб маркази” ДУКда назоратчи лавозимида ишлагани, ДУКда барча ишлар яхши бўлиб, ишчиларга ўз вақтида ойлик маошлари тўлаб келингани, лекин 2018 йилда ДУК раҳбари XXXXXX ўзига ўринбосар сифатида ишга олиб келганидан кейин барча ишлар орқага кетиб, ишчиларга ойлик маош бериш вақти кечиктирила бошлагани, бу вақтда Фарғона вилояти 4 та шаҳар ва 14 та туманида Фарғона вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси Фарғона вилоят “Ягона ҳисоб-китоб маркази” ДУК ни филиаллари мавжуд бўлиб, уларни барчасини раҳбари XXXXXX бўлгани, 2020 йил ноябрь ойида ишхонага Қўштепа тумани ИИБ ЖҚБ ходими Р.Банназаров келган вақтида, “Хамрох” номли кредит дўконига ДУКда ишламаган фуқароларга ҳам иш ҳақи ҳақидаги сохта ҳужжатлар тайёрланиб, мазкур сохта ҳужжатлар асосида кредитга нарса ва буюмлар олинганлигини билгани, А.Олимов, XXXXXX, XXXXXX, XXXXXX, XXXXXX, XXXXXX, Д.Махкамов, XXXXXX, XXXXXX, Ю.Акрамов, XXXXXX ва XXXXXXларни танимаслиги, ишхонадаги муҳр, штамп ва бошқа расмий ҳужжатлар XXXXXXнинг хонасидаги темир сейфда чакқанлигини, бундан ташқари ДУКда ишловчи ходимларга иш ҳаққи тўғрисидаги маълумотномалар корхона раҳбари ўринбосари XXXXXXни хонасидаги компьютерда тайёрлаб келингани, XXXXXXXXXXXX, Б.Кашимов ва XXXXXXларни мунтазам равишда дам олиш кунлари ҳам XXXXXXни яшаш уйига қўлида турли кўринишда бўлган



қоғозларни кўтарган ҳолатда келиб-кетиб юрганлигини кўргани, “Хамроҳ” кредит дўконига тақдим этилган сохта иш ҳақидаги ҳужжатларда Фарғона вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси Фарғона вилоят “Ягона хисоб-китоб маркази” ДУКни расмий штамп ва муҳрлари босилганлигини кўргани, иш ҳақи тўғрисидаги ҳужжатларни кўздан кечирган вақтида сохта ҳужжатларни 9 та имзолар ДУК раҳбари XXXXXXга тегишли эканлигини билгани, қолган имзолар куёви XXXXXXXXXXXX томонидан қўйилгани ҳақидаги кўрсатувлари билан;

-шунингдек, “Хамроҳ” кредит дўконидан шартнома асосида маҳсулот олган шахсларнинг рўйхати, юзлаштириш баённомалари, ариза, сўзлашувлар стенограммалари, кўздан кечириш, далилий ашё тариқасида олиш, текшириш ва сақлаб туриш учун топшириш, аризачига диктофон бериш ва қайтариб олиш ҳақидаги баённомалар, дастлабки тушунтириш хатлари, судга оид кимёвий экспертизаси хулосаси, шунингдек жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 463-моддасида, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг ушбу жиноятни содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши;

ЖКнинг 32-моддасида, ушбу Кодекс Махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида, Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, такроран жиноят содир этиш деб топилиши, умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир неча жиноий қилмишлардан иборат бўлган (давомли) жиноят такроран содир этилган деб топилмаслиги белгиланган.

Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 16-бандида, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги, шундан келиб чиқиб, судланувчи томонидан терговда ёки судда айбини бўйнига олиш ҳолати у иш бўйича тўпланган ҳамда судда текширилган бошқа далиллар билан ҳолисона исботланган тақдирдагина айблов ҳукми чиқаришга асос бўла олиши;

2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 4-сонли қарорининг 6-бандида, қилмишни квалификация қилиш учун талон-торож содир этишнинг хусусиятларини (давомли ёки такроранлигини) тўғри аниқлаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги, давомли талон-торож қилиш деб, умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил этувчи бир-бирига ўхшаш бир неча жиноий қилмишлар билан ўзганинг мулкани қонунга хилоф равишда текин олиб қўйиш (эгаллаб олиш) тушунилиши, давомли жиноятда айбдорнинг хатти-ҳаракати содир этилган барча талон-торож эпизодлари бўйича зарар



Фарғона шаҳар Саноат қурилиш банкидан кредит олиб беришини сўрагани, номига 10.000.000 сўм микро қарз олиб ХХХХХХга бергани, 2020 йил 17 майда ХХХХХХ ва ХХХХХХлар телефон қилишиб, “Ҳамроҳ” дўконидан номига кредитга нарса олиб берса олдинги кредитини тўлашини айтгани, рози бўлгани, ХХХХХХ ва ХХХХХХлар билан бирга бориб, 275-сонли шартнома асосида 1 дона кир ювиш машинаси, 1 дона “Аристон роял” ва 1 дона 43 дюмли телевизор, жами 24.802.400 сўмлик нарсаларни 3 йилга пулини бериш шarti билан сотиб олишгани, ХХХХХХ ва ХХХХХХ “Damas” русумли автомашинада барча буюмларни олиб кетгани, кредитдан ҳеч қандай моддий манфаатдор бўлмаганини билдириб ўтган.

Судда жабрланувчи ХХХХХХ, “Ягона ҳисоб китоб маркази” ДУКда 2017 йилдан 2019 йилнинг апрелига қадар ишлагани, 2019 йил апрель ойида ХХХХХХХХХХХга турмушга чиққанида ишдан бўшагани, 2019 йил охирида қайта шу ерга ишга тикланиб, 2020 йил ўрталарига қадар ишлагани, ХХХХХХ ва ХХХХХХга ота-онаси бўлиши, ХХХХХХХХХХХ уйларига маиший техникани кредитга олишни айтгани, 2020 йил 22 мартда ХХХХХХни автомашинасида “Ҳамроҳ” дўконига бориб, 148-сонли шартнома асосида 1 дона “Samsung” музлатгичи, 1 дона 43 дюмли “Shivaki” телевизор, 1 дона “Samsung А-51” телефони жами 13.180.000 сўмлик маҳсулотларни 24 ойга кредитга сотиб олиб, қизлик яъни ХХХХХХни уйига олиб боргани, ота-онаси камалганида буюмларни сотиб, пулини шахсий эҳтиёжига ишлатгани, ДУКда ишламаган даврига ҳам иш ҳақи ҳақида сохта ҳужжат тақдим этилганини кейин билгани, ХХХХХХХХХХХ олинган буюмлардан манфаатдор бўлмаганини билдириб ўтди.

Судда жабрланувчи ХХХХХХ, 2018 йил июнидан 2020 йил августигача “Ягона ҳисоб-китоб маркази” ДУК Марғилон шаҳар филиалида раҳбар бўлгани, ДУКда ХХХХХХ раҳбар, ХХХХХХ ўринбосар бўлишгани, 2020 йил май ойида ХХХХХХ кредитга нарса олиб берса, тўловини ўзи тўлашини айтгани, ХХХХХХ унга иш ҳақи қўшиб ёзилган маълумотномани тайёрлаб, “Nexia-1” русумли автомашинасида “Ҳамроҳ” дўконига боришгани, шартнома асосида 1 дона 5.887.560 сўмлик “Shivaki” телевизор, 1 дона 8.808.000 сўмлик кир ювиш машинаси, 1 дона 8.763.400 сўмлик “Avalon” кондиционер жами 23.459.000 сўмлик товарларни пулини 2 йилга бериш шarti билан сотиб олгани, ХХХХХХ телефонда буюмларни Марғилон шаҳар марказига қабул қилишини айтгани, автомашинага буюмларни юклаб Ю.Юсуповга жўнатиб юборгани, ўзи кредитдан ҳеч қандай моддий манфаатдор бўлмаганини билдириб ўтган.

Судда жабрланувчи О.Низомов, 2020 йил мартдан 2020 йил сентябргача “Ягона ҳисоб-китоб маркази” ДУКда оператор лавозимида ишлагани, ДУКда ХХХХХХ раҳбар, ХХХХХХ ўринбосар бўлишгани, 2020 йил май ойида ХХХХХХ кредитга нарса олиб берса, тўловини ўзи тўлашини айтгани, ХХХХХХ унга иш ҳақи қўшиб ёзилган маълумотномани тайёрлаб, “Nexia-1” русумли автомашинасида “Ҳамроҳ” дўконига боришгани, шартнома асосида 1 дона 5.887.560 сўмлик “Шиваки” номли телевизор, 1 дона 8.808.000 сўмлик кир ювиш машинаси, 1 дона 8.763.400 сўмлик “Авалон” номли кондиционер жами 23.459.000 сўмлик товарларни пулини 2 йилга бериш шarti



билан сотиб олгани, XXXXXX кафил бўлгани, кейин XXXXXX автомашинасига буюмларни юклаб олиб кетгани, ўзи кредитдан ҳеч қандай моддий манфаатдор бўлмаганини билдириб ўтган.

Шу сабабли, суд Р.Хамраени айбидан XXXXXX, XXXXXX, XXXXXX, XXXXXX ва XXXXXX номига фирибгарлик йўли билан олинган кредит эпизодлари чиқаришни ва ишни шу қисмини тугатишни лозим топди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи XXXXXXXXXXXXнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси

2-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди, чунки у алдаш ва ишончли суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини қўлга киритиш мақсадида, XXXXXX (унга нисбатан суднинг ҳукми чиқарилган) билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлганлари ҳолда 2022 йил 24 январь куни Фарғона шаҳар XXXXXX МФЙ биноси олдида, фуқаро XXXXXXга Фарғона шаҳар А.Навоий кўчасида жойлашган “Сарбон” савдо дўкони рўпарасидаги бўш турган 1 сотих ер майдонини 5.400 АҚШ доллари эвазига ажратиб беришлигини ваъда қилиб, олдиндан келишилган 400 АҚШ доллари миқдоридagi пулларни олаётган вақтда ашёвий далиллар билан ушланиб, жиноий ҳаракатларини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда охирига етказа олмаган.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги қарорининг 3-бандида, жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, юқоридаги Пленум қарорлари талабларига риоя қилиб:

-XXXXXXXXXXга нисбатан жазо тайинлашда, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқлигини, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар, яъни, унинг шахсини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароитини, қилмишидан пушаймонлигини, шунингдек жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи бошқа ҳолатларни инobatга олиб, қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилган ҳолда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қароридаги раҳбарий кўрсатмаларидан келиб чиқиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 3-қисми санкциясида назарда тутилган жазо турларини муҳокама қилиб, уни айбига қисман иқрорлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, зарар мавжуд эмаслигини ва жабрланувчининг даъвоси йўқлигини, жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топишни ҳамда жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқлигини инobatга олиб, унга нисбатан у айбланаётган модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашликни, шунингдек 28,168-моддаси 3-қисми бўйича етказилган зарар қопланмаганлиги, жабрланувчи ва фуқаровий



даъвогарнинг даъвоси борлигини инобатга олиб, унга нисбатан муайян ҳуқуқдан маҳрум этган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, ЖКнинг 28,209-моддаси 2-қисми билан санкцияда назарда тутилган жазоларни муҳокама қилиб, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ЖКнинг 59,61-моддасига асосан жазоларни қисман қўшиш орқали озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги 26-сонли “Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 7-бандида, мулкий зиён судланувчи ва жиноят иши қисми алоҳида юритувга ажратилган бошқа шахснинг биргаликдаги ҳаракатлари натижасида етказилган ҳолларда суд мулкий зиённи тўла ҳажмда қоплаш мажбуриятини судланувчи зиммасига юклайди. Иши алоҳида юритувга ажратилган шахсга нисбатан кейинчалик айблов ҳукми чиқарилаётганда суд унга мулкий зиённи муқаддам судланган маҳкум билан солидар қоплаш мажбуриятини юклашга ҳақлилиги (ФК 1000-моддаси) кўрсатилган.

Суд юқоридаги Пленум қарори талабидан келиб чиқиб, суд мазкур жиноят иши бўйича етказилган зарар масаласини муҳокама қилиб, судланувчи XXXXXXXXXXXXXни айбидан XXXXXX, XXXXXX, XXXXXX, XXXXXX ва XXXXXX номига фирибгарлик йўли билан олинган кредит эпизодлари (63.219.000 сўм) чиқарилаётганлиги ҳамда Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясининг 2022 йил 25 октябрь кунидаги ажрими билан судланувчи XXXXXXни айбидан XXXXXX, XXXXXX, XXXXXX, XXXXXX, XXXXXX ва XXXXXX номига фирибгарлик йўли билан олинган кредит эпизодларини (72.668.000 сўм) чиқарилганлиги инобатга олиб, XXXXXX эпизоди бўйича (16.449.000 дан 500.000 сўм қопланган) қопланмаган 15.949.000 сўм пулларни XXXXXXXXXXXXX, XXXXXX ва XXXXXXлардан солидар тартибда, XXXXXX эпизоди бўйича (11.587.000 дан 7.403.000 сўм қопланган) қопланмаган 4.184.000 сўм пулларни XXXXXXXXXXXXX, XXXXXX, XXXXXX ва XXXXXXлардан солидар тартибда, XXXXXX, XXXXXX, XXXXXX, XXXXXXларнинг эпизодлари бўйича (47.523.000 дан 1.668.000 сўм қопланган) қопланмаган 45.855. 000 сўм пулларни XXXXXXXXXXXXX ва XXXXXXлардан солидар тартибда, судланувчи XXXXXXXXXXXXXни ўзини эпизоди бўйича (11.203.00 дан 50.000 сўм қопланган) қопланмаган 11.153.000 сўм пулларни XXXXXXXXXXXXXдан Қўштепа туманида жойлашган “Хамрох” кредит дўкони (ЯТТ Исаков Баходир) фойдасига ундиришни лозим топади.

Манфаатдор тарафларга иш бўйича келиб чиқадиган ҳар қандай моддий ва маънавий зарарларни ундириш масаласи бўйича фуқаролик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтиришни лозим топади.

Шунингдек XXXXXXXXXXXXXни XXXXXX билан биргаликда содир этган жиноят иши бўйича ашёвий далиллар жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2022 йил 29 сентябрдаги ҳукми билан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддасига қонуний ҳал қилинганини инобатга олишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига асосан, суд



Ҳ У К М Қ И Л А Д И :

XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX
(XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX)нинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” бандидан ЖКнинг 28,168-моддаси 3-қисми “б,в” бандларига қайта квалификация қилинсин.

XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX Ўзбекистон Республикаси ЖК 28,168-моддаси 3-қисмининг “б,в” бандлари, 28,209-моддаси 2-қисмининг “а” банди ва 25,168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан айбли деб топилсин.

XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXга Ўзбекистон Республикаси ЖК 28,168-моддаси 3-қисмининг “б,в” бандлари билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, 5 (беш) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXга Ўзбекистон Республикаси ЖК 28,209-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 1 (бир) йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, 1 (бир) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 2-қисми “б” банди билан иш ҳақининг йигирма фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXга Ўзбекистон Республикаси ЖК 59,61-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан 2 (икки) йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, 5 (беш) йил 2 (икки) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

ЖКнинг 61-моддасига асосан жазолар алоҳида ижро этилсин.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташи белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2022 йил 28 август кунидан бошлаб ҳисоблансин.

XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXга нисбатан қўлланилган камоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргунга қадар, аслича ўзгаришсиз қолдирилсин.

Судланувчи XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXдан 11.153.000 сўм моддий зарар “Хамрох” (ЯТТ Исаков Баходир) кредит дўкон фойдасига ундирилсин.

15.949.000 сўм моддий зарар судланувчи XXXXXXXXXXXXXXX, XXXXXXX ва XXXXXXXлардан солидар тартибда “Хамрох” (ЯТТ Исаков Баходир) кредит дўкон фойдасига ундирилсин.

4.184.000 сўм моддий зарар судланувчи XXXXXXXXXXXXXXX, XXXXXXX, XXXXXXX ва XXXXXXXлардан солидар тартибда “Хамрох” (ЯТТ Исаков Баходир) кредит дўкон фойдасига ундирилсин.

Ҳужжат имзоланган: Мадумаров Шерзод Мамасиддиқович, 15.12.2022



45.855.000 сўм моддий зарар судланувчи XXXXXXXXXXXX ва XXXXXXлардан солидар тартибда “Хамрох” (ЯТТ Исаков Баходир) кредит дўкон фойдасига ундирилсин.

Манфаатдор тарафларга иш бўйича келиб чиқадиган хар қандай моддий ва маънавий зарарларни ундириш масаласи бўйича фуқаролик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтиришни лозим топади.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка муддат ичида, маҳкум ва жабрланувчи эса уларга ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида шикоят ёки протест келтиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи:

(имзо)

Ш.Мадумаров

Ҳукм нусхаси аслига тўғри,
Жиноят ишлар бўйича
Сўх туман судининг раиси

Ш.Мадумаров

